

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ЗАКИРОВА УМИДА ИРКИНОВНА**

**БРОНХИАЛ АСТМА МОЙИЛЛИГИ БОР РЕЦИДИВ БРОНХИТ  
БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРДА КЛИНИК - ГЕНЕТИК ВА  
ФУНКЦИОНАЛ АСПЕКТЛАРИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.20 - Тиббий генетика  
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ –2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)**

**Закирова Умида Иркиновна**

Бронхиал астма мойиллиги бор рецидив бронхит билан оғриган  
болаларда клиник-генетик ва функционал аспектлари ва  
реабилитацияни оптималлаштириш..... 3

**Закирова Умида Иркиновна**

Клинико-генетические и функциональные аспекты  
рецидивирующего бронхита у детей с предрасположенностью к  
бронхиальной астме и оптимизация реабилитации..... 29

**Zakirova Umida Irkinovna**

Clinical-genetic and functional aspects of recurrent bronchitis  
in children with a predisposition to bronchial asthma and  
optimization of rehabilitation..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 59

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ЗАКИРОВА УМИДА ИРКИНОВНА**

**БРОНХИАЛ АСТМА МОЙИЛЛИГИ БОР РЕЦИДИВ БРОНХИТ  
БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРДА КЛИНИК-ГЕНЕТИК ВА  
ФУНКЦИОНАЛ АСПЕКТЛАРИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.20 - Тиббий генетика**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ –2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.3.DSc/Tib366 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Каримджанов Ильхом Асомович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Зиядуллаев Шухрат Худайбердиевич</b> тиббиёт фанлари доктори <b>Мухамедов Рустам Султанович</b> биология фанлари доктори, профессор <b>Шамансурова Эльмира Амануллаевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етақчи ташкилот:</b>	<b>Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази</b>

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, акад. Я.Ғуламов кўчаси, 74 уй. Тел./факс: (+99871) 233-08-55; e-mail: [immunologiya@qip.ru](mailto:immunologiya@qip.ru)).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган. Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, акад. Я.Гулямов кўчаси, 74 уй. Тел./факс: (+99871) 233-08-55.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.У.Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Н.Я. Файзуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.А.Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда бугунги кунда болалар орасида бронх-ўпка касалликлари тиббий-ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланиб, етакчи ўринни эгаллаб келмоқда ва тез-тез қайталаниши, бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келишига сабаб бўлмоқда. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «...бронхиал астма билан жаҳонда 300 млн.дан ортиқ инсонлар азоб чекмоқда, уларнинг ичида болалар 33-75% ташкил қилмоқда»<sup>1</sup>. «Сўнгги йилларда болаларда бронхиал обструкция синдроми (БОС) билан кечувчи бронхитлар билан касалланиш ортиб бормоқда. Уларнинг ичида обструктив бронхит рецидив кечиши билан эрта ёшдаги болаларнинг 50-70%да учрамоқда ва кўп ҳолларда сабаб бронхиал астма (БА) аниқланган»<sup>2</sup>. Болаларда бронх-ўпка касалликлари учраш даражасининг юқорилиги, патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда болаларда сурункали нафас олиш тизими ва атопик касалликларининг учраш даражаси ва ривожланишининг клиник-генетик жиҳатларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, цитокин генларининг полиморфизмлари бронхиал астма ва рецидив бронхит (РБ) кечиши хусусиятлари билан боғлиқлигини аниқлаш, болаларда БА ва РБ касалликларга ирсий мойиллиги мавжудлигини аниқлаш, касалликни ташхислашда биокимёвий ва иммунологик маркерларини аниқлаш; БА ва РБ олиб келадиган номзод генларни аниқлаш, бронх-ўпка касалликларини эрта ташхислаш маркерларини аниқлаш, молекуляр-генетик ташхислаш ва даволаш усулларини танлашга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни такомиллаштириш, атопик касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш мақсадида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар, жумладан болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, болаларда учрайдиган бронх-ўпка ва аллергик касалликларни ташхислаш ва даволашнинг юқори самарали

<sup>1</sup> Кыткова О. Ю., Гвозденко Т. А., Антонюк М. В. Современные аспекты распространенности бронхолегочных заболеваний. // бюллетень физиологии и патологии дыхания. 2017. №64 С.94-100.

<sup>2</sup> Жукова О.В. и др. Модель формирования бронхиальной астмы у детей, страдающих острым и рецидивирующим обструктивным бронхитом. // Сибирский медицинский журнал.- Иркутск. -2016.- Т. 145. № 6. -С. 22-27.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини турдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик ва ўлим сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ 5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ 3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 11 майдаги ПҚ 3715–сон «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида» Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.**

Бронхиал астмага мойиллиги бор рецидив бронхит билан оғриган болаларнинг клиник-генетик ва функционал жиҳатлари асосида реабилитациясини оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Халқаро БССТ ассоциацияси (GINA, 2015, 2018), Children's Nutrition Research Center, Department of Pediatrics, Baylor College of Medicine (АҚШ), Boston College, Chestnut Hill, MA (АҚШ), Nutrition Unit, Department of Prevention (Италия), Nutrition Department of Pediatrics and Functional Foods Forum, University of Turku (Финляндия), Rikshospitalet University Hospital; and Institute for Nutrition Research, University of Oslo (Норвегия), National Institute of Biomedical Genomics, National Institute of Epidemiology (Ҳиндистон), National Institute of Biomedical Genomics, National Institute of Epidemiology (Ҳиндистон); Sveikatos mokslai Health sciences in Eastern Europe, Vilnius, Sveikatos Mokslai (Литва), University of Chang Gung (Тайвань); Болалар саломатлиги илмий маркази (Россия), Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази (РСНПМК) ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда бронхиал астмага мойиллиги бор рецидив бронхит билан оғриган болаларда молекуляр-генетик тадқиқотлар ва даволаш усулларини оптималлаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: болаларда БА ривожланишига иммуногенетик ва экзоген омиллар таъсир қилиши аниқланган (Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт

---

<sup>4</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: [www.cmm.zju.edu.cn](http://www.cmm.zju.edu.cn), [www.ubc.ca](http://www.ubc.ca), [www.sggw.pl](http://www.sggw.pl), [www.uc.edu](http://www.uc.edu), [www.med.stanford.edu](http://www.med.stanford.edu), [www.meded.hms.harvard.edu](http://www.meded.hms.harvard.edu), [www.uni-corvinus.hu](http://www.uni-corvinus.hu), [www.en.jbnu.ac.kr](http://www.en.jbnu.ac.kr), [www.tau.ac.il](http://www.tau.ac.il), [www.ufsc.br](http://www.ufsc.br), [www.gpma.ru](http://www.gpma.ru) и других источников

университети, Россия); болаларда атопик касалликлари патогенезида Arg16Gln ва Gln27Glu генларининг предиктив роли аниқланган (Миллий эпидемиология институти, Хиндистон); сурункали обструктив ўпка касаллиги ривожланиши билан ADRB2 ген полиморфизми боғлиқлиги аниқланган (1-Москва давлат тиббиёт университети, Россия); ЎОБ болаларда нафас олиш ва ВНС функционал параметрлари асосида БА прогноз қилиш учун қўшимча мезонлар асослантилган (1-И.М.Сеченов номидаги давлат тиббиёт университети, Россия); БА ва унинг кечиши хусусиятлари GSTP1 гени rs1138272 полиморф локуси ҳамда ИЛ-4, ИЛ-6 ва ИЛ-8 миқдори ўзгаришларига боғлиқлиги аниқланган (Астрахан давлат тиббиёт академияси, Россия); 4 ёшгача бўлган болаларда рецидив бронхит метахолинга бронхиал гиперреактивлик аниқланган (И.М. Месса. Валль д'Эброн Антонио университети клиникаси, Moreno-Галдо); бронхиал астма ривожланиши ва салбутамол билан даволаш жавобига ирсий мойиллик омили сифатида ADRB2 гени аниқланган (А.А.Богомолец номидаги Миллий тиббиёт университети, Киев); болаларда БА ADRB2 генининг оилавий полиморфизми аниқланган (Е.А. Вагнер номидаги Перм давлат тиббиёт университети, Россия).

Бугунги кунда рецидив обструктив бронхит(РБО) бўлган болаларда ўз вақтида клиник-генетик ташхис қўйиш ва БА башорат қилинса, шунда кераксиз ва қиммат диагностик ва даволаш чораларини олдини олиш, ота-оналарни соғломлаштириш жараёнига қизиқтириш имконини беради. Нафас олиш патологиясининг ўткир шаклларининг сурункали ҳолатга ўтишининг сабабларидан бири даволашнинг нотўлиқлиги, беморларни соғломлаштириш жараёнида тўлиқ тикланиш босқичининг йўқлиги ҳисобланади. Шунинг учун, БА ва РБО олиб келадиган номзод генларни аниқлаш, бронх-ўпка касалликларини эрта ташхислаш, терапияни шахсийлаштириш ва ўз вақтида профилактика чораларини амалга ошириш ва ўз вақтида такомиллаштириш актуал ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бронх-ўпка касалликларни (БЎК) ривожланишидаги генетик омиллар, хусусан унинг рецидивланувчи бронхиал обструкцияли болаларда уларнинг тутган ўрни кам ўрганилган муаммолардан биридир. Адабиётларда келтирилган тадқиқот натижалари бир-биридан анча фарқланади, яъни бир қатор тадқиқотлар ADRB2 генининг полиморф локусининг БА патогенезидаги аҳамияти, беморларнинг β2-агонистлар билан даволашга жавобини шакллантиришда аҳамиятли дейилса, бошқа тадқиқотларда эса ADRB2 генининг бу полиморф вариантлари БА билан боғлиқ эмаслигини кўрсатади. Бронхиал астма ва сурункали обструктив ўпка касаллиги (СОЎК) патогенезида β2-адренорецептор ADRB2 генининг rs1042713 (Arg16Gly) ва rs1042714 (Gln27Glu) полиморф вариантларининг ўрнига хорижда ва республикамизда катта эътибор қаратилмоқда. Олимлар М. С. Пономарёва, Е. Г. Фурман, Е. А. Хузина, А. М. (2015) Пермда БА билан оғриган болаларда ADRB2 генининг оилавий полиморфизмининг аниқлашган. ADRB2 генида мутацияси бор болаларда Arg16Gly бўйича БА 2 баробар ва Gln27Glu учун соғлом болаларга нисбатан 3 баробар кўп учраши кузатилган.

Хорижда кўплаб тадқиқотлар ADRB2 генининг полиморф варианты rs1042713 A/G ва унинг БА ривожланиши билан боғлиқлиги ва қисқа ёки узок таъсир этувчи  $\beta 2$  – агонистлар билан даволаш самарадорлигини аниқлашга бағишланган (Фигейредо Р. Г., Коста Р. С. ва бошқалар, 2021, Калифорния). Бликер Ю., Дирке С. (2012) ADRB2 генининг полиморфизмини  $\beta 2$ -агонистлар билан узок муддатли даволашга глюкокортикостероидлар таъсирини аниқладилар. Шу билан бирга rs1042714 Arg16Gly генотипининг G/G аллел полиморф варианты БА бўлган беморларда  $\beta 2$ -агонистлар билан терапияга жавоб беришига боғлиқ эмаслиги қайд этилди. АҚШда яшовчи Европадан келганларда ADRB2 генининг полиморф вариантлари rs1042713 Gln27Glu A/G аллели бўлган болаларда БА зўрайиши ва нафас олиш функцияси кўрсаткичлари билан боғлиқ эмаслиги аниқланди (Е. Israel и др. 2010). Египет Асьют тиббиёт университети олимлари Хеба С. Э. ва бошқалар (2018) гетерозиготали Arg16Gly гуруҳининг аллел ташувчилари  $\beta 2$ -агонистлар билан терапияга яхши жавоб берувчилар, G/G мутацион генотиби ташувчилари эса ёмон жавоб беришини аниқладилар. Олимлар Шринивас Б., Джоти А. ва бошқалар (2015) Жанубий Ҳиндистонда БА бўлган болалардаги ADRB2 гени (Arg16Gly) касалликнинг фармакогенетик жавоби ва оғирлиги билан боғлиқлигини асосладилар.

Республикамызда болаларда ўткир обструктив бронхит (ЎОБ) ва БА бўйича иммунологик ва генетик бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. БА терапиясини асослаш бўйича иммунологик ва генетик ёндашувлар ўсмир болаларда ўрганилган (Ш.Х.Зиядуллаев, 2014); болаларда рецидив бронхитда  $\Pi-1\beta$  генининг T-31c полиморфизмининг ўрни аниқланган (Ш.С.Баҳромов, 2020); болаларда БОС билан кечадиган респиратор касалликларни даволаш, реабилитация қилиш ва олдини олишнинг клиник ва патогенетик хусусиятлари аниқланган (М.М. Хайдарова, 2018).

Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганига қарамай, ўзбек миллатига мансуб болаларда РБ ва БАни эрта ташхислаш ва башорат қилиш бўйича чуқур молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказилмаган. РБ билан оғриган болаларда БАни ривожланишига муҳим хавф омиллари ва генетик омиллар таъсири, айниқса ADRB2 генининг роли ҳамда болалар функционал кўрсаткичлари билан боғлиқлиги бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган. Юқоридагиларни эътиборга олиб, РБ билан оғриган болаларда БА ни ривожланишининг молекуляр-генетик асослари ва уларнинг клиник-функционал кўрсаткичларига боғлиқлигини аниқлашга имкон берадиган тадқиқотлар амалий тиббиёт учун муҳим ва долзарбдир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.1800231-сонли «Болаларда бронх-ўпка ва аллергия касалликларни генетик омилларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш, эрта ташхис қўйиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш» (2018-2022 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.



**Тадқиқотнинг мақсади** бронхиал астмага мойиллиги бор рецидив бронхит билан оғриган болаларда клиник-генетик ва функционал жиҳатлари асосида реабилитацияни оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда РБ ва БАнинг ривожланиши ва кечишида ADRB2 гени rs1042713 (Arg16Gly) ва rs1042714 (Gln27Glu) локуслари полиморфизмини аниқлаш;

бронхиал обструкцияни такрорланишини ҳавф омилларини ва ADRB2 ген полиморфизмининг фенотипик хусусиятлари билан боғлиқлигини РБ билан оғриган болаларда таҳлиллаш;

ADRB2 ген полиморфизмини рецидив бронхитли болалар клиник ва функционал ҳолати билан боғлиқлигини аниқлаш;

рецидив бронхит ва бронхиал астма билан оғриган беморлар оиласида генеалогик таҳлил ўтказиш;

ADRB2 ген полиморфизмининг клиник аҳамиятини РБ ва БАли болаларда  $\beta$ 2-агонистларга терапевтик жавоб бериши билан баҳолаш;

рецидив бронхиал обструкцияли болаларда бронхиал астма шаклланишининг башоратлаш моделини ишлаб чиқиш;

РБ билан оғриган болалар комплекс реабилитациясида кинезиогидротерапия таъсири самарадорлигини илмий асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017-2021 йилларда республикада яшовчи ўзбек миллатига мансуб 1 ёшдан 15 ёшгача бўлган 417 нафар бронхиал астмага мойиллиги бор рецидив бронхити бўлган ва 72 нафар бронх-ўпка ва аллергик касалликлари бўлмаган болалар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида болалар веноз қони молекуляр-генетик тадқиқотлар учун, болалар фаолияти кўрсаткичлари функционал (спирометрик) тадқиқотлар учун олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, молекуляр-генетик, функционал-инструментал ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор рецидив бронхиал обструкцияга мойиллик ўғил болаларда ADRB2 гени G/G генотипининг Arg16Gly полиморф локусига, қиз болаларда эса A/G генотипининг Gln27Glu полиморф локусига боғлиқлиги аниқланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб болаларда рецидив бронхит ва бронхиал астма ривожланишида ADRB2 гени G/G генотипининг rs1042713 (Arg16Gly) полиморф локусининг предикторлик роли исботланган;

илк бор болаларда ADRB2 гени A/G ва G/G генотипларининг rs1042714 (Gln27Glu) полиморф локуслари мавжудлиги рецидив бронхиал обструкция билан касалланиши ва бронхиал астма ривожланишининг омили эканлиги исботланган;

илк бор иккала локусларнинг G/G мутацион генотиби ва ADRB2 генининг Gln27Glu локусининг A/G гетерозигот генотипини ташувчи болаларда рецидив бронхиал обструкциянинг оғир кечиш хавфи аниқланган;

илк бор Gly16/Glu27 гаплотиби мавжуд А/А гомозигот генотипни ташувчи болаларда рецидив бронхиал обструкция энгил кечишини таъминлаши ҳамда БА ривожланишидан сақлаши аниқланган;

РБО бўлган болалар гуруҳида ADRB2 генидаги иккала локусларнинг А/Г ва А/А генотиплари ташувчилари орасида салбутамолнинг самарадорлиги энг юқори деб аниқланди, энг паст самарадорлик эса – G/G генотипи ташувчиларида қайд этилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

болаларда рецидив бронхит ва бронхиал астманинг ирсиятга боғлиқлигини генеалогик маълумотларидан фойдаланиш жуда юқори самарадорлиги аниқланган;

оилада она томони қариндошларида бронх-ўпка касалликлари ва атопик ҳолатларнинг кўп учраши рецидив бронхит ва бронхиал астма ривожланишини башоратловчи омил эканлиги асосланган;

қонда ADRB2 генининг аллеллари ва генотипларини аниқлаш РБО ни эрта ташхислаш ва болаларда БАни башорат қилиш самарадорлигини кўрсатди;

обструктив бронхитнинг рецидив кечиши билан оғриган болаларни узок муддатли реабилитация қилиш босқичида кинезиогидротерапия (КГТ) самарадорлиги илмий асосланган;

Ўзбек популяциясига мансуб рецидив бронхит ва бронхиал астма бўлган болаларда β2-агонистларга терапевтик жавоб берадиган ADRB2 ген полиморфизмининг клиник аҳамияти аниқланган;

«рецидивланувчи бронхиал обструкция бўлган болаларда бронхиал астманинг шаклланиш хавфини прогноз қилиш модели» деб номланган электрон дастур ишлаб чиқилган ва фойдаланиш самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, молекуляр-генетик, инструментал ва статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, бронхиал астмага мойиллиги бор рецидив бронхит билан оғриган болаларда турли генетик маркерларнинг генотиплари аниқланганлиги келгусидаги тадқиқотларни янада ривожлантириш имкониятини беради. Ўзбек миллатига мансуб болаларда рецидив бронхит ва бронхиал астма ривожланишида ADRB2 генининг турли (А/А, А/Г ва G/G) генотиплари ҳамда (Gly16/Glu27, Gln27Glu Arg16Gly) гаплотипларининг аниқлаганлиги касаллик ривожланиши генетик механизмларини синчиклаб аниқлашга ҳисса қўшади, касаллик патогенези молекуляр-генетик асослари ҳамда патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болаларда рецидив бронхит ва бронхиал астманинг ирсиятга боғлиқлигини генеалогик маълумотларидан фойдаланиш ҳамда болаларни узоқ муддатли реабилитация қилиш босқичида кинезиогидротерапия (КГТ) самарадорлиги,  $\beta$ 2-агонистларга терапевтик жавоб берадиган ADRB2 ген полиморфизмининг клиник аҳамияти аниқланганлиги ва рецидивланувчи бронхиал обструкция бўлган болаларда бронхиал астманинг шаклланиш хавфини прогноз қилишнинг электрон дастури ишлаб чиқилганлиги касаллик асоратлар сонини камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бронхиал астмага мойиллиги бор рецидив бронхит билан оғриган болаларнинг клиник-генетик ва функционал жиҳатлари асосида реабилитациясини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда рецидив бронхит ривожланишини назорат қилиш ва олиб бориш асосида ишлаб чиқилган «Болаларда рецидив бронхитни эрта ташхислашда клиник-генеалогик усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги 8н-д/18-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши рецидив бронхитли болаларда касалликни эрта ташхислаш ва башоратлаш, ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллаш орқали касаллик қайталаниш даражасини камайтиришга хизмат қилган;

болаларда рецидив бронхит турли клиник кечишларини даволаш ва асоратларини олдини олиш асосида ишлаб чиқилган «Рецидив бронхит билан оғриган болаларни комплекс реабилитация қилиш усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги 8н-д/18-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши болаларда рецидив бронхит касаллигини эрта аниқлаш ва ўз вақтида даволашнинг оптимал усулларини танлаш, рецидивлар даражасини камайтириш ва табақалаштирилган реабилитация қилишга хизмат қилган;

бронхиал астмага мойиллиги бор рецидив бронхит билан оғриган болаларда молекуляр-генетик ва клиник-функционал тадқиқотлар асосида реабилитациясини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар 51-сонли оилавий поликлиникаси ва Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси амалий фаолиятга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 ноябрдаги 08-09/17403-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши болаларда РБ ва БА ривожланишини эрта ташхислаш, замонавий даволаш услубини қўллаш орқали касалликни қайталаниш даражасини камайтириш, касаллик асоратларини олдини олиш, реабилитация тадбирларини оптималлаштириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда уларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш ва 2 та монография нашр этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 184 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда рецидив бронхит муаммосининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида замонавий илмий адабиёт манбаларининг таҳлилий шарҳи келтирилган, болаларда РБ муаммоларининг замонавий асосий аспекти таҳлил қилинган. Ушбу бобда адабиётлар маълумотлари умумлаштирилиб, муаммонинг долзарблиги асослаб берилган. Алоҳида қисмда болаларда бронх-ўпка касалликларни ривожланишининг шаклланишида молекуляр-генетик механизмларнинг таҳлили ва ўз вақтида функционал ташхиснинг ўрни келтирилган. РБ билан оғриган болалар учун реабилитация тадбирларини оптималлаштириш бўйича замонавий қарашлар келтирилган, шунингдек, ушбу муаммонинг ечилмаган жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг хусусиятлари ва бажарилган ишлар ҳажми берилган. Ўзбек миллатига мансуб 1 ёшдан 15 ёшгача бўлган 417 нафар болани ўрганиш ўтказилди, шулардан обструкция билан кечадиган рецидив бронхит (РБО) оғриган 164 нафар бемор. Таққослаш гуруҳларига ўткир обструктив бронхит (ЎОБ) билан оғриган 105 нафар бола ва шу ёшдаги ва популяциядаги бронхиал астма (БА) билан оғриган 76 нафар бола киритилди. Назорат гуруҳига бронх-ўпка патологияси ва аллергия тарихи бўлмаган 72 нафар шу ёшдаги болалар киритилган.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар қуйидаги босқичлардан иборат бўлди:

I босқич - клиник-anamнестик. Ташхис клиник-anamнестик маълумотлар ва стандартлаштирилган кўрик асосида қўйилди: лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллари, шу жумладан аллергияни қўзғатувчи тест билан

ўтказилган спирография, кўкрак кафасининг рентгенограммаси (кўрсатмаларга кўра). Клиник кечиши, преморбид фон, акушерлик ва соматик тарихи ва экзоген омиллар таъсири таҳлили биз томонимиздан ишлаб чиқилган сўровномалар ёрдамида амалга оширилди.

II босқич - клиник-функционал. РБО (n=85) ва БА ва назорат гуруҳи (n=45) бўлган болаларнинг спирометрик кўрсаткичлар бўйича қиёсий таҳлил қилиш амалга оширилди. ADRB2 ген локусларининг РБ ва БА бўлган болаларнинг клиник ва функционал хусусиятлари билан боғлиқлиги аниқланди. Спирография юзаки нафас олиш функцияси (ЮНФ) бузилишларини ўрганиш учун Россияда ишлаб чиқарилган Спиро-спектр “Нейрософт” спирометри ва “СМП-21” ёрдамида бажарилган.

III босқич - молекуляр-генетик. «Rotor Gene 6000/Q» (Real-time CFX96 C1000 Touch) Bio-Rad (Германия) замонавий ускунасида «SNP-экспресс-SHOT» реагентлари тўплами ёрдамида РБО, ЎОБ, БА ва назорат гуруҳларига кирган болаларни реал вақтдаги ПЗР орқали ўз ичига олган β2-адренергик рецептор (ADRB2) генининг аллеллари ва генотипларини Arg16Gly (rs1042713) ва Gln27Glu (rs1042714) частоталари аниқланди. ADRB2 генининг локуслари РБ ва БА бўлган болаларнинг клиник ва функционал хусусиятлари билан боғлиқлиги аниқланди. Оиланинг 3 авлодида ЎОБ, РБ, БА ва назорат гуруҳида бўлган болаларнинг генеалогик хусусиятларининг қиёсий таҳлили шарадалар ва сўровномалар тузиш йўли билан амалга оширилди.

IV босқич - ADRB2 ген вариантларининг полиморфлигига асосланиб β2-агонистларнинг клиник кечишига таъсирининг самарадорлигини баҳолаш. Спирометрия ёрдамида БО даражаси бўйича ADRB2 генининг Arg16Gly ва Gln27Glu аллел ва генотиплари тарқалишига қараб РБО (n= 85) ва БА (n=56) билан касалланган болаларда салбутамолнинг самарадорлигини баҳолаш ўтказилди.

V босқич – «РБО билан оғриган болаларда БА ривожланиш хавфининг башорат модели» номли электрон дастур (KPORFBAD.exe) ишлаб чиқиш. РБ нинг ўтувчи шакллари муҳим клиник ва анамнестик, функционал ва молекуляр генетик хавф омиллари асосида аниқланди.

VI босқич – спирометрик кўрсаткичлар назорати остидаги экспериментал тадқиқотлар асосида РБО (n=85) билан касалланган болалар реабилитациясида КГТ самарадорлигини таҳлил қилиш.

VII босқич - Харди-Вайнберг қонуни бўйича кузатилган генотип частоталари тақсимотининг назарий жиҳатдан кутилаётган мувозанат тақсимотига мослигини текшириш учун χ<sup>2</sup> мезондан фойдаланилди. Олинган натижаларни статистик ишлови Microsoft Excel Version 7.0 номли математик ва статистик таҳлилнинг амалий дастури ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Болаларда ADRB2 генининг полиморфизми аллеллари ва генотипларининг частота бўйича тақсимланишини таҳлил қилиш**» номли учинчи бобида ўзбек миллатига мансуб болаларда РБ, ЎОБ ва БА нинг ривожланишида ADRB2 генининг rs1042713 (Arg16Gly) ва rs1042714 (Gln27Glu) полиморф локусларининг ўрни аниқланди (1-жадвал). Асосий гуруҳда rs1042713 (Arg16Gly) локусини ўрганиш жараёнида Arg(A)

аллелларнинг частотаси устунлик қилиши ва аллел G га нисбатан анча юқори (61.4% га нисбатан 38.6%, тегишли равишда;  $\chi^2=8.23$ ;  $p=0.001$ ) эканлиги исботланди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Текширилаётган болалар орасида ADRB2 ген rs1042713 (Arg16Gly) полиморфизми аллел ва генотипик вариантларининг тарқалиш частотаси

№	Гуруҳ	Аллеллар частотаси		Генотиплар тарқалиш частотаси		
		A, %	G, %	A/A, %	A/G, %	G/G, %
1	Асосий гуруҳ (n = 88)	61.36	38.64*	36.36*	50.0*	13.64*
2	РБ	64.58	35.42*	41.67	45.83	12.5*
3	БА	60.71	39.29*	33.33*	54.76	11.9*
4	ЎОБ	59.09	40.91*	36.36*	45.45	18.18*
5	Назорат гуруҳи (n = 72)	76.39	23.61	59.72	33.33	6.94

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан сезиларли фарк.

Шу билан бирга, асосий гуруҳдаги беморларда Gly(G) аллелнинг ташувчилиги назорат гуруҳига сезиларли даражада кўпроқ аниқланди (38.6%га нисбатан 23.6%,  $\chi^2=8.23$ ;  $p=0.001$ ). Беморларда назорат гуруҳига қараганда бу аллелни мавжудлигининг ҳисобланган нисбий имконияти OR=2.04 деб аниқланди, шу билан бирга 95% CI=1.25-3.31 (1-жадвал). ADRB2 ген Arg16Gly полиморфизми локусини ўрганишда асосий гуруҳдаги болаларни ўрганиш натижалари асосида G/G (13.6%) генотип ҳолатлари A/A (36.4%) ва A/G (50.0%) генотипларига қараганда шубҳасиз пастлиги аниқланган. Худди шундай тенденция РБ, ЎОБ ва БА гуруҳларидаги болаларда белгиланмоқда. Асосий гуруҳ беморларида Arg16Gly локусининг G/G генотиби назорат гуруҳига нисбатан анча юқорилиги исботланган (13.6%га нисбатан 6.9%,  $\chi^2=1.87$ ;  $P=0.01$ ; OR=2.1; 95% CI= 0.72-6.20). Шу билан бирга, асосий гуруҳдаги болаларда A/A генотиби назорат гуруҳига нисбатан анча кам учраши аниқланди (59.7%га нисбатан 36.4%;  $\chi^2=8.6$ ;  $P=0.01$ ; OR=2.04; 95% CI=1.25-3.31). Аденинни A46G гуанинга алмашганда, ўрганилаётган гуруҳлардаги беморларда ушбу аллелнинг мавжудлигини нисбий имконияти OR=1.0; 95% CI=1.75-3.61 деб топилди. Асосий гуруҳда ADRB2 ген Arg16Gly локусининг A/G гетерозигота генотиби назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ учрайди (50,0%га нисбатан 33.3%;  $\chi^2=4.5$ ;  $P=0.04$ ; RR=1.5; OR=2.0; 95% CI=1.05-3.79).

РБО билан касалланган болалар орасида ADRB2 генда Arg16Gly полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлари частотасидаги фарқлар шуни кўрсатдики, G/G генотиби назорат гуруҳига нисбатан РБО билан касалланган болалар гуруҳида анча кенг тарқалган (12.5%га нисбатан 6.9%, мос равишда  $\chi^2=0.7$ ;  $P=0.001$ ; OR=1.9; 95% CI=0.43-8.51) (2-жадвал).

**РБ ва назорат гуруҳларидаги болалар орасида ADRB2 гендаги Arg16Gln полиморфизми аллел ва генотипик вариантлари частотасидаги фарқлар**


Аллелар ва генотиплар	Текширилган аллел ва генотиплар сони				Хи2	p	RR	95%CI	OR	95%CI
	РБ		Назорат гуруҳи							
	n	%	n	%						
A	31	64.6*	110	76.39*	2.57	0.11	0.85	0.319-2.239	0.56	0.28-1.136
G	17	35.4*	34	23.61*	2.57	0.11	1.18	0.779-1.796	1.77	0.88-3.574
A/ A	10	41.7*	43	59.72*	2.37	0.13	0.7	0.175-2.778	0.48	0.19-1.22
A/ G	11	45.8*	24	33.33*	1.21	0.28	1.38	0.358-5.285	1.69	0.664-4.312
G/ G	3	12.5	5	6.94	0.73	0.41	1.8	0.269-12.03	1.91	0.43-8.512

Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан сезиларли фарқ.

Шу билан бирга Arg16Gly локусининг гетерозиготали A/G генотип ташувчиларига нисбатан кичик фарқ билан, хусусан, РБО билан касалланган болаларнинг асосий гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан бир хил тенденция кузатилади (45.8%га нисбатан 33.3%, мос равишда,  $\chi^2=1.2$ ;  $P=0.001$ ;  $OR=1.7$ ;  $95\% CI=0.66-4.31$ ). ADRB2 генидаги Arg16Gly аллел ва генотипларини БА ва назорат гуруҳларида ўтказилган қиёсий таҳлили қўйидагиларни кўрсатди: Arg A аллели БА билан касалланган болалар (60.7%) гуруҳига қараганда соғлом болалар (76.4%) гуруҳида кўпроқ учрайди; Arg G аллели такрорланиши БАли болаларда кўпроқ кузатилади (39.3%га нисбатан 23.6%,  $\chi^2=6.3$ ;  $p=0.01$ ;  $RR=1.3$ ;  $OR=2.1$ ;  $95\% CI=1.17-3.72$ ); A/G генотипининг такрорланиши назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ аниқланди (54.8% га нисбатан 33.3, мос равишда  $\chi^2=5.03$ ;  $P=0.03$ ;  $RR=1.6$ ;  $OR=2.4$ ;  $95\% CI=1.12-5.24$ ); A/A генотипи ташувчиларида тескари тенденция кузатилди.

ADRB2 генидаги Arg16Gly аллел ва генотиплар тақсимотининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, ЎОБ билан касалланган болалар гуруҳида G/G мутацион гомозигота генотип ташувчилари сони назорат гуруҳига нисбатан анча юқори бўлган (18.2%га нисбатан 6.9%, мос равишда  $\chi^2=2.4$ ;  $P=0.01$ ;  $OR=2.9$ ;  $95\% CI=0.76-11.65$ ). Шу билан бирга Glu(G) аллели ташувчилари сони назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада баланд бўлган (40,9 %га нисбатан 23,6%, мос равишда  $\chi^2=5.04$ ;  $P=0.03$ ;  $RR=1.3$ ;  $OR=2.2$ ;  $95\% CI=1.12 - 4.52$ ).

Шундай қилиб, аденинни А46G гуанинга алмашган Gly(G) аллелини ва ADRB2 гени Arg16Gly локусининг гомозигота G/G мутацион генотипини ташувчи болаларда РБОга мойиллик ва БА билан касалланиш нисбий хавфи бўлади. Болаларнинг асосий гуруҳида ADRB2 гени Gln27Glu локусининг аллеллари ва генотиплари тарқалиши частотасини ўрганиш натижалари қуйидагича: Gln(C) аллелнинг частотаси Glu(G) тарқалишига нисбатан устувор бўлиб чиқди (61.8%га нисбатан 38.2%;  $p=0.001$ ) (1-расм);



**1-расм. ADRB2 гени Gln27Glu полиморфизм вариантларининг текширилаётган асосий ва назорат гуруҳида тарқалиш частотаси.**

A/A генотипнинг такрорланиши беморларнинг асосий гуруҳига нисбатан назорат гуруҳида 2 баробар юқори бўлиб чиқди (66.7 %га нисбатан 36.0%, мос равишда  $\chi^2=15.02$ ;  $P=0.01$ ;  $OR=0.28$ ;  $95\% CI=0.148-0.534$ ); генотиплар орасида энг баланд кўрсаткич A/G (51.7%) гетерозигот генотип ташувчисига тегишли, шу билан биргаликда мутацияланган G/G генотип эса сезиларли даражада кам учрайди (12.4%). Бундан ташқари, G/G мутацион генотипи назорат гуруҳига қараганда анча тез-тез аниқланди (12.4%га нисбатан 4.2%, мос равишда  $\chi^2=3.4$ ;  $P=0.05$ ;  $OR=3.24$ ;  $95\% CI=0.92-11.4$ ).

Генотипларни гуруҳлар ўртасида тақсимлаш частотасини қиёсий таҳлил қилиш РБО билан оғриган беморлар гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан ADRB2 гени Gln27Glu локусининг G/G генотип ташувчи вакилларининг сезиларли даражада юқори такрорланиши аниқланди (16.0% га нисбатан 4.2%, мос равишда  $\chi^2=3.8$ ;  $P=0.05$ ;  $OR=4.4$ ;  $95\% CI=1.0-19.0$ ) (3-жадвал).

### 3-жадвал

**РБО бўлган беморларда ADRB2 гени Gln27Glu полиморфизми аллел ва генотипик вариантлари частотасидаги фарқлар.**

Аллелар ва генотиплар	Текширилган аллел ва генотиплар сони				Хи <sup>2</sup>	p	RR	95% CI	OR	95% CI
	РБ		Назорат гуруҳи							
	n	%	n	%						
C	32	64	117	81.25	6.20	0.01	0.79	0.313-1.985	0.41	0.203-0.827
G	18	36	27	18.75	6.20	0.01	1.27	0.774-2.085	2.44	1.209-4.917
A/A	11	44	48	66.67	4.00	0.05	0.66	0.175-2.484	0.39	0.157-0.981
A/G	10	40	21	29.17	1.00	0.32	1.37	0.364-5.165	1.62	0.63-4.159
G/G	4	16	3	4.17	3.88	0.05	3.84	0.896-16.465	4.38	1.008-19.049


Изоҳ: \* - назорат гуруҳига нисбатан сезиларли фарқ.

Шу билан бирга A/G гетерозигота генотипига нисбатан худди шундай тенденция кузатилган (40.0%га нисбатан 29.2%;  $\chi^2=1.0$   $P=0.32$ ;  $RR=1.4$ ;



OR=1.6; 95% CI=0.63-4.16)). A/A гомозигот генотипга нисбатан эса тескари тенденция кузатилган (44.0%га нисбатан назорат гуруҳида 66.7%, мос равишда;  $\chi^2=4.0$ ; P=0.05; OR=0.4; 95% CI=0.16-0.98).

БА билан касалланган болалар гуруҳида аллел ва генотипларнинг частотасини тақсимлаш Glu(G) (39.3%)га нисбатан Gln(C) (60.7%) аллелнинг устуворлигини кўрсатди. БА билан оғриган беморларда Gln(C) аллеллар назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада камроқ аниқланган (60,7%га нисбатан 81,3%), бироқ Glu(G) ҳолатида қарама-қарши тенденция кузатилган (39.3 %га нисбатан 18.8%, мос равишда  $\chi^2=11.5$ ; P=0.05; OR=2.8; 95% CI=1.54-5.08) (2-расм). БА билан касалланган болалар гуруҳида Gln27Glu локусининг G/G мутацион генотипларига дахлдорлик назорат гуруҳига нисбатан 2 баробар кўпроқ қайд этилган (11.9%га нисбатан 4.2%,  $\chi^2=2,4$ ; P=0.13; RR=2.9; OR=3.0; 95% CI=0.75-12.91). Шу билан бирга, Gln27Glu локусининг A/G генотипи назорат гуруҳига қараганда анча тез-тез учраган (54.8%га нисбатан 29.2%;  $\chi^2=7.3$ ; P=0.01; RR=1.8; OR=2.9; 95% CI=1.35-6.42).



**2-расм. БА ва ЎОБ гуруҳлари ADRB2 гени Gln27Glu полиморфизми вариантларининг частотасининг қиёсий таҳлили.**

ЎОБ билан касалланган болалар гуруҳида Gln27Glu локусининг Glu(G) аллели назорат гуруҳига нисбатан анча тез-тез учраши аниқланди (38.6%га нисбатан 18.8%, мос равишда;  $\chi^2=7.4$ ; P=0.01; OR=2.7; 95% CI=1.33-5.61). ЎОБ бўлган болаларда A/A гомозигота генотипи назорат гуруҳига нисбатан камроқ қайд этилган (66.7%га нисбатан 31.8%, мос равишда  $\chi^2=8.4$ ; P=0.01; OR=0.23; 95% CI=0.08-0.62). Шу билан бирга, A/G гетерозигота генотипи назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада кўпроқ учраши қайд этилган (59.1%га нисбатан 29.2%;  $\chi^2=6.5$ ; P=0.01; RR=2.0; OR=3.5; 95% CI=1.34-9.18). ЎОБ ҳамда РБО ва БА билан касалланган болаларда ADRB2 гени Gln27Glu локусининг G/G мутацион генотипи соғлом болаларга нисбатан сезиларли даражада кўпроқ қайд этилган (9.1 % га нисбатан 4.2 %;  $\chi^2=0.8$ ; P=0.39; RR=2.2; OR=2.3; 95% CI= 0.37-14.09).

РБ ва БА бўлган болалар орасида ADRB2 генидаги Gln27Glu полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантларининг такрорланишидаги


фарқлар гуруҳлар ўртасида услубий фарқларни кўрсатмади. ЎОБ бўлган болаларда Gln27Glu локусининг G/G мутацион генотиби РБО гуруҳига нисбатан камроқ қайд этилди (16.0%га нисбатан 9.1%, мос равишда;  $\chi^2=0.5$ ;  $P=0.49$ ;  $OR=1.9$ ; 95%  $CI=0.32-11.32$ ). Асосий гуруҳда Харди-Вайнберг мувозанат қонуни бўйича ADRB2 генида Arg16Gln локуси генотиплари тарқалишининг кутилган ва кузатилган частоталари ўртасида мувофиқлик мавжуд.

Асосий гуруҳдаги беморларнинг бирлашган гуруҳида Arg16Gly локусининг A/A, A/G ва G/G генотипларининг кузатилган ва кутилган частоталари мос равишда 0.36/0.38, 0.5/0.47 ва 0.14/0.15 ташкил қилди. Назорат гуруҳида ушбу генотипларнинг частотаси 0.6/0.58, 0.33/0.36 ва 0.07/0.06. ADRB2 геннинг Gln27Glu вариантыда A/A, A/G ва G/G генотипларнинг кузатилган ва кутилган частоталари 0.36/0.38, 0.52/0.47 ва 0.12/0.15 ни ташкил этган бўлиб, бу уларнинг мос келишини кўрсатди.

Шундай қилиб, ADRB2 генида цитозинни C79G гуанинга алмашган Gln27Glu локусининг полиморфизмининг вариантыни ташувчи болалар ҳамда A/G ва G/G генотипларининг ташувчилари РБО ривожланишига мойил бўлиб, БА келиб чиқиши хавф гуруҳига киритиладилар.

Диссертациянинг «**ADRB2 ген полиморфизмининг қайталанувчи бронхитнинг клиник ва функционал хусусиятлари билан боғлиқлиги**» деб номланган тўртинчи бобида, ADRB2 геннинг ассоциацияси болаларнинг фенотипик хусусиятларига нисбатан таҳлил қилинди. РБ ва ЎОБ бўлган болалар орасида болаларнинг энг катта фоизини 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган беморлар ( $35.3\pm 3.7\%$ ), ЎОБ орасида 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган беморлар ( $54.2\pm 4.8\%$ ), БА гуруҳида эса 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ( $55.2\pm 5.7\%$ ) % ташкил этди. РБ билан касалланган 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда Arg16Gly (A/A) – 45.5% ва Gln27Glu (A/G) - 50.0% ҳолатларда учраган, шу билан бирга ёши каттарок гуруҳларда Arg16Gly (A/A) ва Gln27Glu (G/G) ҳолатлари устувор (3-расм). РБ билан касалланган беморлар орасида эркак жинси вакиллари аёл жинси вакилларига нисбатан сезиларли даражада кўпроқ учраган ( $64.0\%$ га нисбатан  $35.4\%$ ,  $p<0.05$ ). Arg16Gly полиморфизмининг G/G мутацион генотиби аёл жинси гуруҳига нисбатан эркак жинси гуруҳида кўпроқ қайд этилган ( $27.5\%$ га нисбатан  $17.6\%$ ;  $p<0.001$ ). Gln27Glu локусининг (A/G) гетерозигота генотиби ўғил болалар гуруҳида қиз болалар гуруҳига нисбатан камроқ учраган ( $43.1\%$ га нисбатан  $61.8\%$ ;  $p<0.001$ ). Шундай қилиб, ADRB2 гени Arg16Gly (G/G) ва Gln27Glu (A/A) локусларининг ташувчи эркак жинси вакиллари РБОга кўпроқ мойил деб аниқланган.

РБ бўлган болалар орасида БОнинг биринчи эпизоди 3дан 6 ёшгача бўлган болаларга нисбатан 3 ёшгача бўлган болаларда кўпроқ юз берган ( $65.2\%$ га нисбатан  $26.8\%$ ; ( $p<0.05$ ). 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар орасида СБОнинг биринчи эпизоди БА ( $36.8\%$ ) билан оғриган болаларга қараганда РБО ( $26.8\%$ ) бўлган болаларда камроқ учраган. Шу муносабатдан, СБОнинг эрта дебютини ОБнинг қайталанувчи давомийлигини шаклланишига мойиллиги номувофиқ аломат деб таъкидлаш мумкин.



Изоҳ:  $p < 0.05$  - таққосланаётган гуруҳлардаги кўрсаткичлар фарқининг ишончлилиги


### 3-расм. РБО бўлган беморларда ADRB2 гени генотипларнинг ёшга қараб тақсимланиши, %

Респиратор инфекцияларнинг бола ҳаётининг биринчи йили давомида эрта бошланиши ва анамнезда ЎРВИнинг 3 ёшгача тез-тез такрорланиши кейинчалик РБОнинг ривожланишида номувофиқ таъсир кўрсатган. РБО билан касалланган беморларни оналарининг акушер ва соматик анамнезлари тахлили қуйидагиларни кўрсатди: кўпинча ҳолатларда болалар 2-3 хомиладорликдан туғилишган, шу билан бирга 62.2% аёлларда хомиладорлик даври анемия билан кечган, 44.5% оналарда токсикоз, 8.5% илгари аборт қилдирган, 34.1% хомиладорлик даврида дори-дармон қабул қилган ва 51.8%да тез-тез ЎРВИ ҳолатлари қайд этилган.

Текширилаётган гуруҳлардаги болаларнинг преморбид фонини тадқиқотлари натижалари қуйидагича: РБОнинг анемия билан кечиши ( $78.0 \pm 3.2\%$ ), 1-2 даражали ОЭЕ ( $26.2 \pm 3.4\%$ ); конституция аномалиялари ( $23.8 \pm 3.3\%$ ). БА билан касалланган болалар гуруҳида озиқ-овқатга оид аллергия РБО гуруҳидаги болаларга нисбатан кўпроқ кузатилган ( $60.5 \pm 5.6\%$ га нисбатан  $47.4 \pm 5.7\%$ ;  $p < 0.05$ ). ЛОР органларининг сурункали ўчоқлари назорат гуруҳига нисбатан РБО гуруҳида кўпроқ қайд этилган ( $31.7 \pm 3.6\%$  га нисбатан  $18.0 \pm 5.4\%$ ;  $p < 0.05$ ). Шундай қилиб, преморбид фонининг юклиги, аллергия касалликларнинг мавжудлиги СБОнинг рецидивланувчи кечишини ривожланишига номувофиқ омил ҳисобланади.

Экзоген омилларнинг таъсири кўпинча РБ ва БА билан касалланган болалар гуруҳида, ЎОБ ва назоратли болалар гуруҳига нисбатан кузатилган (4-расм): сунъий озиқлантиришга эрта ўтиш ( $51.2 \pm 3.9\%$  ва  $67.1 \pm 5.4\%$ ) ва оила аъзоларида такрорланувчи респиратор инфекциялари ( $39.0 \pm 3.8$  ва  $31.6 \pm 5.3$ ), пассив чекиш ҳолатлари ва бошқа омиллар кўпроқ қайд этилди ( $p < 0.05$ ) (4-расм).

Болаларда РБО кечишининг оғирлигига қараб ADRB2 ген Arg16Gly полиморфизмининг тарқалишини таҳлил қилиш қуйидагини кўрсатди: А/А



#### 4-расм. Болаларда РБО ривожланишида экзоген хавф омиллари.

гомозигота генотиби кўпроқ касаллик энгил кечаётган болаларда кузатилган ( $64.3 \pm 12.8\%$ ), А/Г гетерозигота генотиби эса - касаллик ўртача кечаётган ҳолатларда ( $45.83 \pm 10.2\%$ ); касалликнинг оғир кечуви G/G мутацион генотиби ташувчиларида қайд этилган ( $44.7 \pm 7.3\%$ ). ADRB2 геннинг Gln27Glu полиморфизми тадқиқотларининг натижаси қуйидагича: А/Г гетерозигота генотипини ташувчилари касалликнинг ўртача ( $54.16 \pm 10.2\%$ ) ва оғир ( $51.06 \pm 7.29\%$ ) кечираётган болалардан иборат бўлган; касалликнинг оғир кечган ҳолатларида А/Г гетерозигота генотиби А/А гомозигота генотипига нисбатан сезиларли даражада кўпроқ кузатилган А/А ( $51.06 \pm 7.3\%$  га нисбатан  $14.89 \pm 5.2\%$ ;  $p < 0.05$ ). Бундан келиб чиққан ҳолда, ADRB2 гени Gln27Glu (А/Г) ва G/G мутацион генотипининг ташувчилари РБОнинг оғир кечувчи хавф гуруҳига кирадилар.

Шундай қилиб, СБО билан юзага келган рецидив бронхит мультифакторлик характерга эга, бинобарин, БАга ўтиш хавфи ADRB2 геннинг полиморф вариантларининг хусусиятларига, боланинг ёшига, жинсига, ЎРВИ билан касалланиши такрорланишига, СБОнинг эрта кўзишига, БОнинг оғир-енгил кечишига, акушер ва соматик анамнезга, ЛОР-патологияларга ва экзоген факторлар таъсирига боғлиқ.

Дастлабки тадқиқотлар натижалари РБ ва БА бўлган болаларнинг текширилган гуруҳлари спирометрия вақтида СБО га хос бўлган ТНФнинг бузилиши белгиларини аниқланганлигини кўрсатди (4-жадвал): РБ билан оғриган болаларда ТНФ бузилиши одатий даражадан 80%дан паст бўлиши билан намоён бўлди: ЖЎТС(ФЖЕЛ) ( $61.4 \pm 2.8\%$ ), жадаллашган нафас чиқариш 1 секунддаги жадаллашган ўпка сиғими 1СЖЎС(ОФВ1) ( $62.3 \pm 2.3\%$ ), СЖЎС1/ЖЎТС ( $72.5 \pm 5.1\%$ ). Шу билан бирга МЎХТ50 ва МЎХТ25 ўртача бузилишлари 72.9% болаларда, МЎХТ75 бузилиши - 26.4% РБО билан оғриган болаларда аниқланди. Бундан ташқари, БА гуруҳидаги беморларда 1-СЖЎС ( $62.3 \pm 2.3\%$ га нисбатан  $50.2 \pm 3.3\%$ ;  $p < 0.05$ ) ва СЖЎС 1/ ЖЎТС ( $72.5 \pm 5.1$  га нисбатан  $61.5 \pm 4.4$ ;  $p < 0.05$ ) бўлиб, РБО билан оғриган болаларга қараганда пастроклиги аниқланди.


Текширилаётган гуруҳлар спирометрик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили, %

Спирометрик кўрсаткичлар	ФВД кўрсаткичлари, мансабдор ўлчамдан %		
	Контрол	РБ	БА
ЎТС	98.7±3.4	76.4±4.2*	72.4±3.8*
ЖЎТС	82.3±5.4	61.4±2.8*	52.4±4.1*
1СЖЎС	93.1±4.3	62.3±2.3*	50.2±3.3*
1СЖЎС/ЖЎТС	89.4±3.7	72.5±5.1*	61.5±4.4*
ПОС	94.1±1.6	61.2±2.1*	60.8±1.9*
МЎХТ25	89.4±4.3	53.5±2.4*	54.7±3.4*
МЎХТ50	96.7±3.2	58.1±2.8*	56.4±3.0*
МЎХТ75	92.2±4.1	65.9±5.2*	63.2±4.7*

Изоҳ: \* -назорат гуруҳига нисбатан t -мезонига кўра фарқ (p<0.05) ишончилиги

РБО билан оғриган болалар гуруҳида вентиляция бузилишларининг обструктив тури 55.3%, рестриктив тури - 24.7% ва аралаш тури - 20.0% беморда кузатилган. РБО бўлган болалар гуруҳи билан таққослаганда БА бўлган болаларда оғир кечувчи БО (31.6±5.05% га нисбатан 9.4±3.34 %; p<0.05) сезиларли даражада кўпроқ бўлган.

РБО билан касалланган болаларда ТНФ бузилишларига қараб генетик маркерларнинг тарқалгани аниқланган (5-расм). ТНФнинг ўртача бузилиши ADRB2 гени Arg16Gly полиморфизмининг А/Г генотиби ташувчиларида (45.2±7.6%) қайд этилган, оғир бузилишлар эса – G/G гомозигота мутацион генотиби ташувчиларида (44.4±9.5%) кузатилган. Шу билан бирга, Arg16Gly полиморфизмининг А/А генотиби ТНФнинг енгил бузилишлари учраган РБО гуруҳларида (43.8%) оғир (18.5%) ва ўртача (11.9%) бузилишларга қараганда 3 баробар кўп қайд этилган.




5-расм. ТНФ оғирлигига қараб РБО гуруҳидаги болаларда ADRB2 гени Arg16Gly ва Gln27Glu локусларни ассоциацияси, %

РБ билан касалланган болалар гуруҳида Gln27Glu (A/A) ADRB2 ген локуси ташувчилари енг кўп енгил (68.8±11.5%) ва A/G генотип ўртача



ташувчилари ( $54.8 \pm 7.6\%$ ) ТНФ эга бўлган. ADRB2 геннинг иккала полиморфизмининг G/G мутацион генотиби РБО билан касалланган болалар гуруҳида ТНФнинг оғир бузилишлари билан сезиларли даражада кўпроқ мавжуд ( $44.4\%$  ва  $48.1\%$ ), енгил бузилишларига нисбатан ( $18.5$  и  $6.3\%$ ) ( $p < 0.05$ ). Шундай қилиб, ADRB2 ген Arg16Gly полиморфизмининг A/G ва G/G полиморфизми ҳамда Gln27Glu локусининг G/G генотипини ташувчи болалар ТНФ бузилишларига мойил бўладилар.

Диссертациянинг «Болаларда рецидивланувчи бронхитни прогноз қилишда генеалогик аспекти» деб номланган бешинчи бобида рецидив бронхиал обструкция билан оғриган 106 нафар беморларнинг (пробандлар) генеалогик таҳлили натижалари келтирилган. Уларнинг 204 нафарида беморнинг ота-оналарини оилавий текшируви, 219 нафарида сибслар (пробандларнинг ака-укалари ва опа-сингиллари) ва беморнинг (пробанднинг) 578 нафар қариндошларида РБО I, II ва III-IV даражали оилавий сўровнома ўтказилди. БА билан оғриганларнинг пробандларини 76 нафар болалар, 142 нафар ота-оналар, 178 нафар ака-укалари ва I, II ва III-IV даражали қариндошлиги бўлган 274 нафар шахслар ташкил этди. Назорат гуруҳига шу ёшдаги ва аҳолининг 50 нафар амалда соғлом фарзандлари, уларнинг 98 нафар ота-оналари, 106 нафар ака-укалари ва 154 нафар қариндошлари киритилди. Пробанд касаллигининг оғир-енгиллигини баҳолаш учун турли оила аъзоларида (касалликнинг кечиши, бошланиш ёши, оғир-енгиллиги, дори-дармонларга муносабати ва х.к.) турли зарарланган қариндошлар орасида фенотипик кўринишлар ўхшашлиги аниқланди. Шу билан бирга, қариндошларда касалликнинг клиник кўринишида катта ўхшашлик бор эди, бу генетик компонентнинг муҳим аҳамиятини ва ўрганилаётган пробандда касалликнинг ривожланиш хавфини кўрсатди (6-расм).




**6-расм. РБ билан оғриган пробанднинг генеалогияси**

